



220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-51-807, faks:31-52-425

2020 йил «4» апрел

№ 510и

Боғот шаҳарчаси

Нусха № 1

Фуқаро Бекчанова Шадман Сабуровнага  
Боғот тумани “Дехқонобод” маҳалласи  
худудида жойлашган қурилиши  
тугалланмаган “Савдо дўкони” биносига  
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш  
тўғрисида

Боғот тумани “Дехқонобод” маҳалласида яшовчи фуқаро Бекчанова Шадман Сабуровнанинг Боғот тумани “Дехқонобод” маҳалласи худудида жойлашган қурилиши тугалланмаган “Савдо дўкони” биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 7 февралдаги ХО-Б-407-сонли аризасини, Боғот туман ҳокимининг 2015 йил 22 декабрдаги № 2109к-сонли қарорини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 7 февралдаги 553-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6, 7-моддаларига асосланиб

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Дехқонобод” маҳалласи худудида жойлашган жами қурилиш ости майдони 142,78 квадрат метр, умумий ер майдони 375,0 квадрат метрдан иборат бўлган ушбу қурилиши тугалланмаган «Савдо дўкони» биноси фуқаро Бекчанова Шадман Сабуровнага ушбу мулкни тўлиқ қуриб фойдаланишга топширилмагунга қадар сотиш ёки бошқача тартибда бегоналаштирмаслик шarti билан эгалик ҳуқуқи белгилансин.

2. Фуқаро Бекчанова Шадман Сабуровна ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу “Савдо дўкони” биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Матякубов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими

О.Холбоев